

## НАВОЙ ВА БАЛОГАТ ИЛМИ

**Ғулом Бобоҷонов**

*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*[anzurut@mail.ru](mailto:anzurut@mail.ru)*

**Аннотация:** Алишер Навоийнинг жаҳонишурул ижодий маҳорати асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келяпти. Бундай муаззам ижодкорликнинг сири ҳар қандай инсонда катта қизиқши уйготади. Ушибу мақолада Навоий ижодининг тилсими жиҳатларини идрок этишига ёрдам берадиган бир омил хусусида фикр юритилди. Тарихий далиллар асосида муаллиф ҳаёйи фаолиятини изчил ўрганиши адабиётшунослигимиз учун янгилик сифатида қабул қилинадиган ўзига хос далилларни тақдим этади.

**Калит сўзлар:** Талхис, Мутаввал, Мифтоҳул улум, балогат, иъжоз.

Алишер Навоийнинг юксак ижодий салоҳият касб этишида бир қанча омиллар қатори унинг буюк устозлардан тизимли таълим олиши ҳам алоида аҳамият касб этади. Айниқса, шоирнинг Самарқанд таҳсили кейинги бутун ижодий фаолият учун катта пойдевор вазифасини ўтади.

Навоий Самарқандда йигитлик пайтида ўқигани зикр қилинади. Унгача Ҳирот илмий мухитида шаклланган Навоий даврининг катта олими ва мутасаввуфи Абдураҳмон Жомийдан таълим олгани, унинг ҳузурида бир қанча китоблар ўқигани қайд этилган. Абдураҳмон Жомий оиласида мударрис отасидан бошланғич илмларни ўргангач, 1420 йилда Ҳиротдаги «Низомийя» мадрасасида «Талхис» ва «Мутаввал» ўқигани, Сайид Шариф Журжонийнинг шогирди Али Самарқандий (в.1456) ҳамда Тафтазонийнинг шогирди Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармийдан таҳсил олгани келтирилган<sup>1</sup>. Шунингдек, ўз асарларида Саккокийнинг «Мифтоҳул улум», Замахшарийнинг «Кашшоф», «Асосул балоға» ва «Муфассал фи илмул арабийя», Қазвинийнинг «Изоҳ» китобларига мурожаат этгани, Жомийнинг балоғат назариясига оид адабиётлар билан яхши таниш бўлганини далиллайди. Тилшунослик, шариат, тарих, тафсир, тасаввуф илмлари билан бир қаторда балоғат бўйича ҳам етук устоз бўлгани унинг асарларида, шогирлар билан бўлган сұхбатларида ўз аксини топган. Хусусан, Жомий ва Навоий сұхбатларида ҳар икки олимнинг адабий-танқидий қарашлари бевосита балоғат қоидаларига асослангани, айрим мумтоз асарларни ўрганишга балоғат нуқтаи назаридан ёндашилгани ва баҳо берилганини кузатиш мумкин<sup>2</sup>. Навоий бундай сұхбатлардан бирини шундай эсга олган: «Бир кун факир алар хизматида эрдим ва яна киши йўқ эрди. Анварий қасойиди бобида сўз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиласидур эрдиким: «Биз аниг ашъорин, батахсис

<sup>1</sup> Abdurrahman Cami. Tefsiru Molla Cami. – İstanbul, İmak Ofset Basım Yayın. 2020. – S. 11.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Ҳамсат ул-мутаҳайирин. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. – Т., Фан, 1999. Т. 15. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

қасойидин оз кўруб эрдик, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, бъязи ерда айтса бўлғайким, башар қаломидин ўтуб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарға келадур...»<sup>3</sup> Бу ўринда Абдураҳмон Жомий Авҳадуддин Анварий (в.1156) қасидаларини «ғариб таркиб ва ажиб адолар»га эга экани нуқтаи назаридан «Баъзи ерда айтса бўлғайким, башар қаломидин ўтуб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай», деб баҳолайди. Бу даражанинг биз юқорида маълумот сифатида келтирган балоғат илмининг даражалари сирасига кирувчи аъло мақомининг инсон имкони доирасида яратилиши мумкин бўлган қисмига мансублиги кўринади. Бундай юксак баҳо Жомий нуқтаи назарига кўра ҳам айни шундай бўлгани сухбатнинг давомидан англашилади. Яъни Жомий «иъжоз мақомида» деб баҳоланганд қасидалардан бирига Навоийнинг эътиборини қаратади. Сўнгра чин маънода юксак ижод намунаси бўлган мазкур қасидага ўзи жавоб ёзганини билдиради (Навоий ҳар иккала қасиданинг ilk бандларини ўқувчидаги тасаввур ҳосил бўлиши учун мисол сифатида келтирган). Жомий ва Анварий қасидалари балоғатини қиёсан ўрганиш асносида Навоийнинг чиқарган холосасида ҳам мазкур ҳолатда мутлақ иъжоз эмас, балки инсон имконияти доирасидаги (яъни забт этиш мумкин, аммо жуда мураккаб бўлган) иъжознинг қутидаи назарда тутилаётгани маълум бўлади. Ҳар икки ижодкор – Жомий ва Навоий балоғат илми даражаларини белгилашда Қазвиний назариясига таянгани ана шу сухбатда ўз аксини топган, дейиш мумкин.

Навоийнинг самарқандлик устози Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий (786-874/1386-1469) ҳам юқорида номи тилга олинган балоғат илми бўйича машҳур олимлардан бири Сайид Шариф Журжонийнинг шогирди бўлгани келтирилган. Журжоний самарқандлик машҳур олим Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандийга устозлик қилгани, унга бир неча илмлардан дарс бериш учун ижозатнома ёзиб берганини Навоий алоҳида таъкидлаб ўтган<sup>4</sup>. «Абу Ҳанифаи соний» ҳамда «арабиятда ибн Ҳожиб каффасида турувчи» Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий Навоийнинг Самарқанд таҳсили давомида ва умуман ҳаёти-ижодида катта таъсир кўрсатган устозларидан биридир. Бизнингча, Навоийнинг балоғат илмини пухта ўзлаштиришдаги устоз-шогирдлик силсиласи Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий воситасида Сайид Шариф Журжонийга бориб тақалади.

Бу даврда Навоийнинг шариат илмлари билан бир қаторда фалсафа, тарих, география, астрономия, риёзиёт ҳамда адабиёт ва поэтикага оид фанлардан сабоқ олгани қайд этилади. Ҳусусан, Навоийнинг Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чоҳор мақола», Юсуф Саккокий Хоразмийнинг «Мифтоҳул улум», Шамс Қайснинг поэтикага оид асарлари билан танишуви, балоғат илми назариясини пухта эгаллаши айни шу даврга тўғри келади<sup>5</sup>. Бу жиҳатдан балоғат назариясига оид фундаментал

<sup>3</sup> Навоий Алишер. Ҳамсат ул-мутахайирин. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. – Т., Фан, 1999. Т. 15. – Б. 26. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>4</sup> Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Т., Фан, 1997. – Б. 29. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>5</sup> Абдуллаев В. Навоий Самарканда. Т., Билим жамияти, 1967. – Б. 11.

манбаларни анъанавий таълим тизимида дарслик сифатида ўқитиш йўлга қўйилгани кузатилади. XI -XIV асрларда балоғат назариётчилари яратган бир қатор илмий асарлар XV аср илм-фани учун нафақат яхши таниш, балки чуқур ўрганилган, илмий тадқиқ этилган ҳамда амалий жиҳатдан ўзлаштирилган манбалар эди.

Балоғат илмининг назарий асосларини ўрганиш, унинг қоидаларини ўзлаштириш ҳамда матнга татбиқ этиш бир қанча илмлардан хабардор бўлишни тақозо этади. Балоғат қоидалари матнга оид барча хусусларни тадқиқ этиш заруратини юзага чиқаради. Юқорида санаб ўтилган ўнлаб илм соҳаларидан етарлича хабардор бўлишида Самарқанд таҳсили Навоийга ўзига хос такомиллашув жараёни бўлганини кўрсатади. Унинг ўша даврдаги айрим адабий-эстетик қарашлари, бадиий матннинг поэтик хусусиятларини аниқлаш ва белгилашдаги илмий ёндашуви шундай хуносага келиш учун асос беради.

Самарқанд таҳсили асносида Навоий у ердаги илм-фан, санъат ва адабиёт аҳли билан ҳамсухбат бўлиб, илмий-адабий мулоқотлар қилган. Уларда адабий асарларга Навоийнинг ёндашуvida балоғат илмининг универсал қоидаларига таянгани кузатилади. Навоий самарқандлик мавлоно Риёзий газалининг матлаъсида матн мазмунига зид номувофиқлик кузатилганини, муаллифга уни тузатишни тавсия қилганида у рози бўлмаганини келтиради: «Бу ғарро матлаъ аниңгурким:

*Ситораест дури гўши он ҳилолабрў,  
Зи рўи ҳусн ба хуршед мезанад паҳлў.*

Икки мисра орасида рабт жиҳатидин бир «ки» лафзи керак. Фақир анга дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғайки:

*Зи рўи ҳусн дури гўши он ҳилолабрў.  
Ситораестки, бо моҳ мезанад паҳлў.*

Инсоф юзидин керакки, мусаллам тутса эрди, жадал бунёд қилди, фақир сокит бўлдум. Ўз ёронлари талоштилар ҳам қабул қилмади<sup>6</sup>. Бу байтдаги балоғат илми қоидаларига кўра номувофиқлик (юлдузнинг қуёш билан бир вақтда намоён бўлиши) – таъқиди маънавийни аниқлашда Саккокий назариясида назарда тутилган мантикий усулга асосланилганини кузатиш мумкин.

Навоийнинг балоғат илмини пухта ўзлаштиришдаги бу илмий салоҳияти кейинчалик адабий-танқидий баҳс-мунозараларда ҳамиша мувофиқ ва мукаммал жавоб топа олиш имконини берди. Буни «Мажолисун нафоис», «Хамсатул мутахҳайирин», «Маҳбубул қулуб», «Муҳокаматул лугатайн», «Хамса» каби бир қатор асарларида ўзи келтирган маълумотлар асослайди. «Хамсатул мутахҳайирин»да Хожа Ҳасан Дехлавийнинг бир газалида «шоир «дур» сўзини ноўрин ишлатган, унинг ўрнига «хун» ишлатилиши керак эди», деган даъвода мажлис аҳлининг ҳаммаси якдил фикрда бўлганида ҳам Навоий уларга қарши ўз қарашини билдиргани, натижада, Жомийнинг ҳакамлигидан сўнг бу масалада чиндан ҳам Навоий ҳақ бўлиб чиққани зикр этилади. Бунда ҳам Навоий ғазал жумласининг

<sup>6</sup> Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Т., Фан, 1997. – Б. 54–55. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

тузилишида таъқид йўқлигини балоғат қоидаларига таянган ҳолда осонликча илғагани маълум бўлади.

Шунингдек, Навоийга татаббу қилароқ яратган маснавийсида Мавлоно Соғарийнинг бир байтини балоғат қоидалари асосида структур таҳлил қилиш билан мисра грамматик жиҳатдан бўш тузилганини, унинг структур нуқсони мисранинг маъно ва тузилишига жиддий салбий таъсир қилишини муаллифга исботлаб беради<sup>7</sup>. Лекин муаллиф Навоийга қарши бирон далил келтиришга ҳам, ўзининг ҳақлигини асослашга ҳам, нима учун шундай ёзганини изоҳлашга ҳам ожизлик қиласди.

Балоғат илмидаги асосий омил матнинг аввало энг мустаҳкам асос сифатида сидққа таянишидир. Абдураҳмон Жомий билан бўлган сұхбатлардан бирида Навоий балоғатдаги шу қоидага таяниб фикр юритади. Жомийнинг Хусрав Дехлавийдан келтирган мисоли сидқ талабига жавоб бермаслиги Навоий учун қатъий маълум бўлса-да, устозининг сўзларига эътиroz билдирумайди. Шу билан бирга, эътироф ҳам этмайди. «Факир агарчи бу сўзнинг маҳзин кизб эканин билур эрдим, аммо алар юзида Амир Хусрав сўзин на тасдиқ қилдим, на такзиб ва ҳеч жавоб бермадим». Балоғат илмига кўра, ҳар қандай хабар жумла ўзида сидқ ё кизбга далолат қиласди. Бу ўринда Навоий балоғатнинг яна бир қоидаси - сидқ ва кизб эҳтимолидан холи бўлган инишо жумла билан кифояланади. «Алар жавоб бермаганнинг сабабин сўрдилар. Заруратдин фақир айттимким: «Шояд Ҳиндустонда товусга бу ҳол воқеъ эркин». Шогирдининг бундай йўл тутиши балоғат илмидан яхши хабардор бўлган устозни албатта ҳайрон қолдиради. «Алар мутаажжиб бўлдилар: на Мир Хусрав сўзи исботида муболаға қилдилар, на фақирнинг сўзининг нафийида». Ниҳоя шу бўладики, Жомий баҳс юритилаётган масалада Навоийнинг ёндашуви тўғри эканига айни воқеликда амин бўлади. «Алар кулуб дедиларким: «Мундок иттифоқий иш оз воқеъ бўлмиш бўлгай, шубҳа рафъ бўлуб, муддао исботи зоҳир бўлди»<sup>8</sup>.

Келтирилган мисоллар балоғат илми қоидаларини назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда тадқиқ ва татбиқ этишда Алишер Навоий улкан ва мислсиз салоҳият эгаси бўлганини далиллайди. Балоғат олимларининг бу илмни пухта ўзлаштирган кишини баҳсларда ҳеч қачон енгиб бўлмаслиги ҳақидаги илмий қарашлари Навоий шахсиятида яқъол мужассам бўлгани кўринади. У ўз замонасининг бир қанча адиблари асарларини поэтик жиҳатдан баҳолаб, адабий-танқидий қарашларини билдиришида балоғат қоидалари хамиша етакчи аҳамият касб этган. Ҳатто, замондошларининг бир қанча асарлари Навоийнинг мазкур салоҳияти воситасида тузатилган ва сайқал топган.

Навоийнинг балоғат илми билан боғлиқ яна бир фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. Маълумки, Навоий ўз даврининг илмпеша инсонларини ҳамиша қўллаб-қувватлаган, уларга устоз ва мураббийлик, ҳомийлик қилган. Навоий яшаган давр, хусусан, унинг саройда юксак эътибор топган йилларидан бошлаб, илм-фан аҳлига

<sup>7</sup> Навоий Алишер. Ҳамсат ул-мутаҳайирин. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1999. Т. 15. – Б. 20. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>8</sup> Навоий Алишер. Ҳамсат ул-мутаҳайирин. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1999. Т. 15. – Б. 25. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

яқин маслақдош бўлгани маълум. Унинг таклифи ва топшириғи билан бир қатор тасниф ва китобот ишлари амалга оширилган. Шундай асарлар сафида Навоий таклифи билан яратилган балоғат илмиға оид асарлар ҳам бор. Улар орасида кунимизгача етиб келган ҳамда катта шухрат топган асар Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнининг «Бадойиъус санойиъ» китоби экани ҳақида юқорида – биринчи фаслда қисман тўхталиб ўтдик. Асар муқаддимасида муаллиф китобнинг ёзилиш боиси ҳақида қўйидагиларни келтиради: «...ул ноҳиз зарраларни офтобдек назарларига манзур қилиб, тупроқтин кўтариб олдилар-у, илтифот била аларни жамъ айлаб тартиб бермак фикрин эзгу кўнгилларига солдилар ва бу бандага ул ишни ніхоясиға еткурмакни буюрдилар-у, бу амрда муболага қилдилар. Ҳарчанд бу банда аҳволининг паришонлиғи бехад эрди-ю, парокандалиғи беадад эрди, фармонига бўйун сунуб, иложу имкон борича жидду ижтиҳод камарин белга боғлади...»<sup>9</sup> «Мажолисун нафоис»да Навоий унинг иқтидор ва маҳоратини юқори баҳолаб шундай ёзади: «Мир Атоуллоҳ Нишопурдиндур... Бо вужуди донишмандлик, шеъру муаммову санойиъда дағи маҳорат пайдо қилди... Аммо санойиъда китобе тасниф қилиптур «Бадойиъ-и Атоий»ға мавсумдур. Эмди баёзға борди, маълум эмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши онча жомиъу муфид китоб битимиш бўлгай»<sup>10</sup>. Эътибор берилса, Атоуллоҳ Ҳусайнин асарини Навоий балоғатга оид асар сифатида эмас, балки «санойиъ» тарзида тилга олади. Бундай ёндашувнинг Абу Усмон Жоҳиз, Абдулқоҳир Журжоний, Маҳмуд Замахшарий, Жалолиддин Қазваний, Саъдуддин Тафтазоний каби балоғат назариётчиларининг илмий қарашларига уйғунлиги кузатилади. Шу билан бирга, биз юқорида балоғат таснифи ва спецификаси асносида таъкидлаб ўтганимиз – *илем бадиънинг универсал характер касб этмасдан, эстетик-эмоционал кўламдаги хусусий қоидалар мажмуи эканини яна бир бор исботлайди.*

Шунингдек, Навоийнинг шогирдиларидан бири – тарихчи Хондамир ўз даврида бир қанча асарлар ул ҳазратга бағишлиб ёзилганини таъкидлаган<sup>11</sup>. Улар орасида бевосита балоғат илмиға оид икки асар қўзга ташланади. Бири «Хошияи Мутаввал» номли асар бўлиб, муаллифи Хожа Абулқосим Абуллайсийдир. Иккинчиси эса, «Хошияи «Мифтоҳ» номли Хожа Хованд Абуллайсий қаламига мансуб асар. В.Абдуллаевнинг маълумот беришича, муаллифларнинг ҳар иккаласи Навоийнинг устози, балоғат илмининг нуктадон билимдони Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайсий Самарқандийнинг ўғиллари бўлган. Адабиётшунос олим Б.Валихўжаев Хожа Абулқосим Абуллайсий кейинчалик йирик адабиётшунос бўлгани ҳақида маълумот берган<sup>12</sup>. Хожа Хованд Абуллайсийни Навоий «Мажолисун нафоис»да алоҳида хурмат билан тилга олган. Илми ва хулқий фазилатларини шундай эътироф этган: «Хожа Хованд – Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий (раҳимаҳум Аллоҳ)нинг ўғлидур.

<sup>9</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ-с-санойиъ. Т., Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 9.

<sup>10</sup> Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Т., Фан, 1997. – Б. 112. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>11</sup> Хондамир Ғиёсiddин бинни Ҳумомиддин. Макоримул ахлок. – Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Б. 43.

<sup>12</sup> Валихўжаев Б. Навоий Самарқандда. // «Ёшлиқ», 2-сон. 1988.

Донишманд ва хуштабъ йигитдур. Табъи ҳам назм сори, ҳам ҳазл сори мойил бор<sup>13</sup>. Шунингдек, Навоий Хожа Хованднинг Дарвеш Ҳусайннинг бир ҳолати юзасидан ёзган байтига «Бу маънида ҳазл юзидин бу байтни айтибдур, бағоят муносиб ва яхши воқеъ бўлубтур», тарзида юқори баҳолаб ўтади.

Хондамир келтирган «Ҳошияи Мутаввал» муаллиф отасининг устози Саъдуддин Тафтазонийнинг «Мутаввал» асарига ёзилган изоҳли шарҳ ҳисобланади. Иккинчи асар эса, балоғат илмининг асосчиси сифатида эътироф этиладиган Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳул улум»ига ёзилган ҳошиядир. Навоий мазкур китоб муаллифи - Хожа Хованд Абуллайсийнинг илм таҳсили учун Ҳиротга келганини ёзган. Кўринадики, Ҳирот илмий-адабий муҳитида Хожа Хованд ҳам Навоий атрофидаги илмпеша кишилар даврасида, шогирдлари қаторида бўлган. Шунингдек, унинг китоби Саккокийдан кейин яшаган ва «Мифтоҳ»нинг учинчи қисмини илмий тадқиқ этиш йўлидан борган Қазваний, Тафтазоний, Шариф Журжоний каби олимлар йўлидан бормасдан, бевосита асос манбанинг ўзига мурожаат этган. Мана шу ҳолат Навоий даври балоғат илми назариётчилари (бевосита Навоийнинг раҳнамолигида) соҳага оид барча китобларни илмий ўрганиш ва тадқиқ қилиш каби тизимли фаолият олиб борганини яна бир бор далиллайди.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Abdurrahman Cami. Tefsiru Molla Cami. – İstanbul, İmak Ofset Basım Yayın. 2020.
2. Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳайирин. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. МАТ. 20 жилдлик. – Т., Фан, 1999. Т. 15.
3. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Т., Фан, 1997.
4. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. Т., Билим жамияти, 1967.
5. Атоуллоҳ Ҳусайнний. Бадойиъу-с-санойиъ. Т., F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
6. Валихўжаев Б. Навоий Самарқандда. // «Ёшлиқ», 2-сон. 1988.
7. Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макоримул ахлоқ. – Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти.

<sup>13</sup> Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 20 жилдлик. 13-жилд. – Т., Фан, 1997. – Б. 144. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.